

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҶАСИДА ИЛМИЙ - ТЕХНИКАВИЙ ИННОВАЦИЯДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Малика Мухамаджоновна Парпиева

Тошкент ахборот технологиялари университети ассистент

malikarparpieva1983@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ахборот технологиялари соҳасида илмий - техникавий инновациядан самарали фойдаланиш хусусиятлари бўйича илм-фан янгиликлари, илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Инновация, иқтисодиёт, ахборот технологиялар, илм-фан, янгиланиш.

CHARACTERISTICS OF EFFECTIVE USE OF SCIENTIFIC AND TECHNICAL INNOVATION IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGIES

ABSTRACT

There are scientific news, scientific proposals and recommendations on the features of the effective use of scientific and technological innovation in the field of information technology.

Keywords: Innovation, economics, information technology, science, innovation.

КИРИШ

Маълумки замонавий миллий иқтисодиёт самарадорлигининг асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг инновация салоҳияти ташкил этади. Бундан фойдаланиш макроиқтисодий барқарорлик, реал секторлар рақобатбардошлигини таъминлаш, етакчи тармоқларни техник ва технологик даражасини кўтариш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этишда кенг имкониятларни очиб беради. Бу имкониятлар аввало фундаментал тадқиқотлар, илм-фан янгиликлари, янги билимлар, замонавий ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш усулларида намоён бўлади.

Инновациялар иқтисодиётни модернизациялашни, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик базасини узлуксиз янгиланишини, янги рақобатбардош

махсулотларни ўзлаштириш, товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларига самарали кириб боришини таъминлашга йўналтирилади. Инновацион йўналишга асосланган иқтисодий ўсиш ривожланишнинг эволюцион натижаси бўлиб, унинг моҳиятини фундаментал фанлар, янги илмий ишланмалар, назарий ва амалий кашфиётлар, бошқарувнинг янгича усуллари ташкил этади. Бунда асосий эътибор иқтисодий фаолиятдан кутилаётган мақсад, унга эришиш йўллари, бу йўналишда рақобат муҳитининг мавқеи ва таъсирига қаратилмоғи лозим.

Жаҳонда хўжалик юритиш амалиёти ишлаб чиқаришда ва такрор ишлаб чиқаришни мунтазам ошириб боришда, иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашда, ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан янгилашда инновацияларнинг асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигини исботлади. Шунга кўра, эндиликда жаҳоннинг барча мамлакатларида инновацион фаолият иқтисодий ривожланишнинг барча босқичларида барқарорликни таъминлаш асоси бўлиб хизмат қилади, унинг негизида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш, моддий–техника базасини замонавий технологиялар асосида янгилаш, ишлаб чиқаришни тубдан модернизация қилиш имкониятлари яратилади. Фақат шу йўналиш негизидагина ишлаб чиқариш харажатларини камайиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ҳолати кузатилади. Шу боис, асосий эътиборни иқтисодий-ижтимоий тараққиёт омили сифатида инновацион фаолиятга, унинг турли босқичлардаги ривожланиш даражасига, ахборот коммуникация тизимидаги ўзгаришларга ва уларнинг самарадорлигига қаратишимиз лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақоланинг назарий ва методологик асоси бўлиб, ахборот технологиялари соҳасида илмий - техникавий инновациядан фойдаланиш хусусияти соҳаси бўйича етакчи мутахассисларнинг меҳнатлари, шу билан бирга хориж олимларидан бу йўналишнинг назарий асослари жуда кўламли, серқирра бўлиб, унинг асосий хусусиятлари дастлаб кенг маънода ғарб иқтисодчиларидан П.Друкер, Дж.Залмен, Л.Д.Рейман, Д.Сахал, Б.Твисс, Й.Шумпетер ва Ўзбекистонда инновацион жараёнларнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши билан боғлиқлиги туфайли кўтарилаётган масала мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам инновацион фаолият юритиш, уни жараёнларини кучайтириш давлатимизнинг сиёсати даражасига кўтарилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодчи олимлари - Ш.Р.Орифханов, Б.Б.Абдуллаев, Р.Я.Досумов, Т.К.Иминов, А.М.Қодиров, М.А.Маҳкамова, Р.М.Мухитдинова, Х.А.Мамажанов, И.А.Тўхлиев, М.Л.Турсунхўжаев, О.Ҳ.Ҳикматов, М.Ш.Шарифхўжаев, Л.И.Шибаршова, А.Н.Арипов, Х.А.Мухитдинов, Т.З.Тешабаев, И.И.Искандаров, Д.И.Кокурин, М.А.Маҳкамова, Л.А.Соколова, И.С.Тўхлиев, А.Х.Хикматов, В.М.Шепелёв, Н.М.Юсупова, Б.Б. Абдуллаев, Т.Хасанова, ва бошқаларнинг асарларида техник тараққиёт иқтисодий ўсиш омили, саноат корхоналарини тубдан модернизация қилиш манбаи, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида ўрганилмоқда. Улар ҳам «янгилик киритиш», «янгилик» ва «инновация» сингари категорияларнинг турлича талқинларини берганлар. Уларнинг фикрича инновацияларни қатор белгилари бўйича туркумлаш зарур.

“Инновация” атамаси биринчи марта австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер томонидан 1912 йилда «Иқтисодий ривожланиш назарияси» асарида таклиф этилган. Инновацион назариянинг энг асосий қоидалари ҳам ушбу асарда тўла асослаб берилган. У инновация деб ишлаб чиқариш соҳасида қўлланган янгилик ва у билан боғлиқ барча ўзгаришларни тушунган. Унинг фикрича, инновация фойда олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш, ривожланишни янада тезлаштириш манбасидир. Кейинчалик Й.Шумпетер рус иқтисодчи олими Н.Д.Кондратьевнинг “иқтисодий ривожланишнинг тўлқинли концепцияси” ни ўзинининг инновацион назарияси билан боғлади ва натижада у цикли ривожланиш назариясини шакллантирди. Бу назариянинг асосий ҳаракатлантирувчи механизми сифатида, янгиликларни жорий этиш жараёнини ҳисоблади. Бу ерда ҳаракатлар ёки тебранишлар сабабларини таҳлил эта туриб, олим иқтисодиёт фанида биринчи бўлиб ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини ажратиб кўрсатди ва уларни куйидаги босқичлар кўринишида тавсифлади:

- янгилик, яъни истеъмолчиларга маълум бўлмаган неъматни ишлаб чиқариш ёки бирор неъматнинг янги сифатини яратиш;
- саноатнинг муайян тармоғида янги, амалда ҳали номаълум ишлаб чиқариш усулини жорий этиш. Бу усулнинг асосида янги илмий кашфиёт ётади ва у тегишли товарнинг тижоратда қўлланишининг янги усулидан иборат бўлиши мумкин;

- сотишнинг янги бозорини ўзлаштириш, яъни муайян мамлакат саноат маҳсулотларининг ҳозирга қадар иштирок этмаган, янги бозорларда сотилиш имкониятларининг яратилиши;
- хом-ашё ёки ярим тайёр маҳсулотларнинг янги манбаларини ўзлаштириш (бунда мазкур манбанинг аввал мавжудлиги аҳамиятли эмас);
- ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишнинг самарали усулларини қўллаш, монопол мавқени таъминлаш (трестлар тузиш йўли билан) ёки бошқа корхонанинг монопол мавқеига барҳам бериш.

Бундай таснифнинг асосида “янгилик” тушунчаси ётади, у муайян тизимда ёки соҳада янгиликларнинг ёки уларнинг бирон-бир тўпламининг тебранишлари амплитудаси ва давомийлигини аниқлашга имкон беради. “Янгилик” бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган маълум бир фойдали ўзгаришни назарда тутаяди ва шу маънода ушбу тушунча “ихтиро” тушунчасига жуда яқин. “Янгилик киритиш” – бу янги техника ва технологияни, ташкил этиш ва бошқаришнинг такомиллашган усулларини ўзлаштириш демакдир. “Инновация” эса – бу “маҳсулотлар, технологиялар, ташкилий шаклларнинг янги турларини ишлаб чиқишга, яратишга, тарқатиш ва фойдаланишга йўналтирилган фаолиятдир”. Бу йўналишдаги бошқа тадқиқотлар Й.Шумпетер кўрсатиб ўтган комбинацияларнинг барчаси инновацияларни, уларнинг пайдо бўлиш босқичлари, табиати ва қонуниятларини ўрганишда тўғри хулоса қилишга имкон беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларида бундай ёндашувнинг турли кўринишлари турлича шакл ва услубларда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси келажакда етакчи тармоқларни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, барча соҳаларни замонавий ахборот технологиялар негизида доимий ривожлантириш, ахборот тизимини кучайтиришга қаратилган.

Фан-техника тараккиёти, илмий салоҳиятни ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий технологияларни, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ва улардан фойдаланиш, аҳолининг ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан

фойдаланишни кенгайтириш ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ахборотлаштириш соҳасини инновацион йўналиш бўйича истиқболли ривожлантириш қуйидаги йўналишларда амалга ошмоқда:

- Телекоммуникациялар инфратузилмаси;
- Стационар ва мобил алоқа;
- Мобил алоқа бозори;
- Интернет тармоғи;
- Ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш.
- Ахборот ресурслари;
- Салоҳият яратиш миллий сиёсати;
 - Ахборот технологиялари соҳасида саводхонлик;
- Халқаро ва регионал ҳамкорлик;
- Ахборот технологияларидан фойдаланишда ишонч ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш;
 - Ҳуқуқий-меъёрий базанинг ривожланиши;
 - Электрон ҳукумат, АТ дан давлат бошқарувида фойдаланиш;
 - Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш;
 - Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари;
 - Электрон тижорат;
 - Электрон таълим;
 - Электрон соғлиқни сақлаш;
 - Электрон бандлик;
 - Электрон атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
 - Оммавий ахборот воситалари;
 - Ахборот жамиятининг этик жиҳатлари;
 - Халқаро ва регионал ҳамкорлик ва бошқалар.

Маълумки инновацион фаолият корхоналарга рақобатда жиддий устунликлар беради, барқарорликни таъминлайди, бозордаги мавқенинг мустаҳкамланиши ва кенгайишига ёрдам беради. Технологик салоҳиятнинг кучайиши, янги технологик ишланмаларни мослаштира олиш қобилиятини ошириш бозордаги мавқенинг яхшиланишига ва иқтисодий стратегик жиҳатдан яққол кузатилаётган ижобий натижа билан сотиш ҳажмини кўпайишига олиб келади. Корхоналарнинг, бир томондан, инновациялардан бундай кучли манфаатдорлиги ва, бошқа томондан эса уларга боғлиқлиги инновацияларни узлуксиз такрор ишлаб чиқариш тизимини шакллантиради, ишлаб чиқариш ва

илмий техник фаолияти соҳалари ўртасидаги яқин ва самарали алоқани таъминлайди. Бундай масалалар ечимини таъминлаш корхоналар ва тармоқлар илмий-техник салоҳиятининг даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мамлакатимиз корхоналари учун инновацион жараёнларни амалга ошириш ва ривожлантиришга эҳтиёж авваламбор жаҳонда юз бераётган

иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигига узвий кириб бориши зарурлиги билан белгиланмоқда. Буни натижаси ўлароқ Ўзбекистон ҳукуматининг бир қатор қарорлари инновацион стратегиянинг ривожланиши чора-тадбирларини белгилаб бермоқда.

Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши инновацион технологияларнинг ҳўжалик фаолияти юритувчи турли касб эгалари ва турли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб боровчи жараёнларнинг фаолиятига шароит яратиб беради. Уларнинг самарали меҳнати учун бу фаолият эгаларини қанчалик бозор ҳақида, рақобатчилари ҳақида, истеъмолчилар ҳақида ва ниҳоят талаб ва таклиф ҳақида қанчалик ахборотга эга бўлса, шунчалик самарали иш олиб боради. Бунда инновацион технологиялардан бўлган ахборот фаолияти катта роль ўйнайди.

Жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш бўйича юртимизда қабул қилинган инқирозгага қарши дастурни бажарилишини таъминлаш мақсадида республикамиз ахборотлаштириш соҳасида инновацион технологияларни ривожлантириш куйидаги асосий вазифаларни бажарилиши билан боғлиқ:

- соҳада модернизация жараёнини тезлаштириш, энергия тежайдиган янги техника ва технологияларни жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ҳамда хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

- илмий-техника инновация ишларини молиялаш ва имтиёзли кредитлаш механизмларини такомиллаштириш;

- соҳада хизматларни янги турларини ривожлантириш;

- жалб этилган хорижий ва маҳаллий сармоялар миқдорини ошириш;

-қишлоқ жойларда соҳани инновацион ривожлантиришини таъминлайдиган хусусий бизнес ривожланиши учун қулай шарт шароит

ҳозирлаш, сервис инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ишларни жадаллаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш орқали иш хақи харажатларини камайтириш.

Бугунги кунда республика ахборотлаштириш соҳасини инновацион йўналиш бўйича истиқболли ривожлантириш телекоммуникациялар инфратузилмасини самарали шакллантириш, стационар, мобил алоқа ва Интернет тармоғида сифатли хизматларни ташкил этиш, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатадиган Интернет провайдерларини сонини кўпайтириш орқали, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини ошириш ва рақобат муҳитини шакллантириш, халқаро йўналишлардаги ахборот алмашинуви ҳажмини (каналлар сонини) ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш, соҳада илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш каби вазифаларни бажариш билан боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш бўйича тажрибаласидан фойдаланиш мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу саноат, телекоммуникация ва бошқа бир қатор тармоқларда инновацион фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш тизимининг шаклланишига кўмаклашади. Мазкур масалани тадбиқ этишнинг долзарблиги республика корхоналарида илмий - техникавий ва инновацион сиёсатни амалга оширишда бошқарувнинг ҳудудий-тармоқ органлари функцияларининг комплекс дастурларини ишлаб чиқишдан тортиб, ишлаб чиқаришда илмий - техник янгиликларни рўёбга чиқариш бўйича фаолиятининг тезкор масалаларини ҳал қилишгача кенгайтириш шароитларида янада кучаяди.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган илмий - техник сиёсат ва илмий - техник салоҳиятни сақлаб қолишга ва ривожлантиришга, бозор ислохотларининг чуқурлаштирилиши шароитларида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда саъий-ҳаракатларни жамлашга қаратилган.

“Илмий - техникавий салоҳият” - жамият томонидан жамғарилган билимлар даражаси бўлиб, бу билимлардан илмий - техникавий ва таъминловчи моддий ва ташкилий шарт - шароитлар йиғиндиси сараланади. Илмий салоҳият «илмий тизимнинг ўз эҳтиёжларини ва у хизмат кўрсатаётган ижтимоий тизимнинг эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятидир. Пировард илмий натижа эса, соф илмий маҳсулотни чиқариш, хусусан, бу маҳсулотдаги илмнинг ҳиссаси илмий салоҳиятни интеграцияловчи кўрсаткич бўлиб, хизмат

қилади”. Бу тушунча илмий - техник фаолиятни амалга оширишининг манбасини ва потенциал имкониятларини бирлаштиради.

Илмий - техникавий билимларнинг шаклланиши кишиларнинг интеллектуал ижодий ўрганиш ва билим олиш фаолияти ёрдамида юз беради. Бу фаолият ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги товарлар ва хизматлар яратиш, кишиларнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш ва маданият даражасини ошириш, табиат ва жамиятнинг оқилона биргаликдаги фаолияти учун билимларнинг тўлдирилишини, тарқатилишини ва ишлатилишини таъминлайди.

Илмий - техника алоҳида динамизмга эга, унинг такрор ишлаб чиқарилиши ва ўстирилиши қисман ташқаридан ресурслар киритилиши билан, қисман салоҳият ўз фаолиятининг маҳсули бўлган ресурслар ҳисобидан таъминланади. Фундаментал фаннинг пировард натижалари (назария, кашфиёт, теорема, алгоритм ва бошқалар) товар шакли ва баҳога эга эмас балки амалий фан учун «хом - ашё» бўлиб хизмат қилади. Илмий - техника салоҳияти учун иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан келиб тушаётган моддий ва пул ресурслари ташқи ресурслар ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва техник ишланмалар бошланғич дақиқа холос. Пировардида эса иқтисодий ва ижтимоий натижаларга уларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида ўзлаштирилиши туфайли эришилади. Илмий - техникавий салоҳият - бу:

- жамғарилган билимларнинг (ахборотнинг) йиғиндиси, уларни яратадиган, асрайдиган ва қўллайдиган бўлиб, у илмий - техника муассасаларининг ички ташкилий тузилмасини ҳам, илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишлари соҳасининг фан секторлари ва тармоқлар бўйича табақалаштирилган илмий - техника муассасаларини бирлаштирувчи миллий таркибий тузилмасини ҳам ўз ичига олади. Илмий - техникавий ютуқлар ва инновацион фаолият моддий бойликлар ўсишининг ва инсон капитали сифати юксалишининг бош манбалари ҳисобланиб, миллий бойликнинг интеллектуал - ахборот элементларининг - илмий - техникавий, инновацион, таълим ва маданий салоҳиятнинг жадал ривожланишини назарда тутади;

Фан ва техниканинг иқтисодиётда сифат силжишларини таъминловчи устувор йўналишлари асосида миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва янгилаш илмий - техникавий салоҳиятнинг самарали шакллантирилиши ва ишлатилишини тақоза этарди. Илмий - техникавий салоҳиятнинг ҳар бир таркибий қисми ўзининг мустақил мазмунига эга ва улар бир хил аҳамиятли эмас ҳамда бир - биридан мустақил эмас. Инсон

потенциалидан иборат таркибий қисми - янги билимлар (ахборот) генераторидир. Айна пайтда илмий - техникавий салоҳиятнинг бошқа таркибий қисмлари, асосан таъминловчи вазифаларини бажарадилар. Илмий - техникавий салоҳият муайян таркибий қисмнинг устун равишда ўсиши, шу пайтнинг ўзида бошқаларининг чекланиши ёки қисқартирилиши ҳолида шакллантирилиши мумкин. Ахборот таъминоти даражасини ошириш персоналдан иборат таркибий қисмининг қисқартирилишига ёрдам беради ва бу кучни хизмат кўрсатиш соҳаларига сафарбар этади.

Илмий - техникавий салоҳият ҳар қандай депитеграциялашган тизимнинг характеристикасидир: глобал тизим, дунёнинг алоҳида минтақаларидан иборат тизим, мамлакатлар, мамлакат минтақалари ёки унинг иқтисодий тармоқлари, алоҳида корхона ёки илмий - техник ташкилотлари иерархиясининг ҳар қандай даражаси илмий - техникавий салоҳияти бошқаларидан бутунлай ажратилган эмас. Зеро илмий - техникавий салоҳиятларнинг алоҳида таркибий қисмлари ўртасида мунтазам айирбошлаш содир бўлади ва натижада у ҳар бир тизимнинг илмий - техникавий салоҳиятини ривожланишига олиб келади. Бундай эркин айирбошлаш фундаментад тадқиқотларни ва амалий, илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини натижаларига тааллуқли. Пировард маҳсулотларни яратувчи тармоқнинг илмий - техникавий салоҳияти муқаррар равишда унга ресурслар (технологик ускуна, хом-ашё ва материаллар ва бошқалар) етказиб берувчи тармоқларда пайдо бўлган илмий - техникавий янгиликларни ўз ичига олади. Ўз навбатида ишлаб чиқариш воситаларининг техникавий даражаси уларни тайёрловчи тармоқларнинг илмий - техникавий салоҳияти билан белгиланади, бу салоҳият эса фундаментал ва амалий фаннинг ривожланишига боғлиқ.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳаларга бўлиниши илмий - техника салоҳиятларининг тармоқ ва минтақавий таркибини белгилайди. Тармоқ таркиби моддий ишлаб чиқариш тармоқлари, ноишлаб чиқариш соҳасининг илмий - техника базасини, уларга кирувчи ташкилотларнинг илмий - техника салоҳиятларини ўз ичига олади. Минтақавий таркиби эса мамлакатнинг (республика, иқтисодий минтақалар, вилоятлар, шаҳарлар) маъмурий ва иқтисодий бўлинишига мувофиқ ҳолда тавсифланади. Илмий - техникавий салоҳият бозор ислохотларига қадар амалда мавжуд бўлмаган, яъни мулкчилик шакллари бўйича туркумланишига эга. Бунга боғлиқ ҳолда давлат мулки ва хусусий мулкнинг илмий - техникавий салоҳиятлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Илмий - техникавий салоҳиятларнинг бир-бирига кириб бориши ва бойитиши минтақа даражасида ҳам кузатилади. Минтақанинг илмий - техника салоҳияти кўпинча ўзининг худудида жойлашган илмий-муассасалар ва лойиха-конструкторлик бозорлари ҳисобига эмас, балки бошқа минтақаларнинг илмий - техника салоҳиятлари жамғарган ютуқлар ҳисобига шаклланади. Давлатлараро даражада эса халқаро меҳнат тақсимоти миллий илмий - техника салоҳиятларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракатига кўмаклашади.

Илмий - техника салоҳиятининг сифат кўрсаткичлари фундаментал фаннинг ривожланиши даражасини баҳолашга имкон беради. Бунда малакавий таркиб, илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг ва янги техника намуналарининг жаҳон даражасига мувофиқ келувчи ёки ундан ўзиб кетганлари ҳиссасини, шунингдек илм талаб хизматлар ва номоддий активларни умумий аниқлангач, амалий фан даражаси каби кўрсаткичлар ишга солинади.

Илмий адабиётда илмий - техника салоҳиятини тавсифлаш учун алоҳида таркибий қисмлари (персонал, моддий - техника базаси) тавсифларидан ва молиялаш кўрсаткичларидан фойдаланилади. Жами жорий харажатлар ва салоҳиятининг умумийлаштирувчи баҳоси сифатида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг эскириши турли муддатларини ҳисобга олган ҳолда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига жамғарилган харажатлар кўрсаткичи қўлланилади.

Илмий - техникавий фаолиятнинг молиявий таъминоти уни тавсифласа ҳам, тўла маънода у илмий - техникавий салоҳиятнинг таркибий қисми ҳисобланмайди. У ривожлинишнинг иқтисодий омиллари томонидан яратилаётган имкониятларини акс эттиради ҳамда илмий - техника салоҳиятининг ва унинг алоҳида таркибий қисмларининг ўсишига кўмаклашади.

Илмий - техника салоҳияти моддий - техника базасининг ривожланиши илмий муассасаларнинг ускуна ва асбоблар миқдорини тўлдирилиши билангина эмас, балки уларнинг юқори сифатга эга бўлганликлари билан ва аввало, махсус ва уникал ускуна ва асбоблар билан жиҳозланишига боғлиқ.

Илмий - техника салоҳиятнинг моддий ресурсларини характерловчи кўрсаткичларга асбоблар ва қурилмалар билан таъминланганлик, ахборот инфраструктураси ривожланиши даражаси, ускуналарнинг техник даражаси ва хизмат қилган муддати киради.

Ҳозирги пайтда статистик ҳисоботлар асосий фондларнинг бинолар ва иншоотлар, машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари сингари элементларини ажратиб кўрсатган ҳолда фақат қиймат кўринишидаги маълумотларни олишга имкон берди. Амалдаги ҳисобни муҳандислик, ишлаб чиқариш ва илмий ускуналар ҳақидаги маълумотлар билан тўлдириш лозим. Илмий ускуналар ҳақидаги маълумотлар (ускуналар таркибига тадқиқот ускуналари ва қурилмаларини, мураккаб ва уникал ўлчов ва синов асбоблари ва ускуналарини, ҳисоблаш техникани махсус ўлчов асбоблари ва ускуналарини, умумий мақсадлардаги ўлчов асбобларини, ташкилий ва нусха кўпайтириш техникасини киритиш зарур) ускуналарнинг ҳар бир тури бўйича қиймат ва миқдор ифодасида берилиши керак. Шунингдек, маълумотларда уларнинг тавсифи ва ишлатилганлик даражаси акс эттирилиши зарур.

Илмий - техникавий фаолиятнинг моддий ишлаб чиқаришдан фарқ қилувчи ўзига хос хусусияти (табiiй ресурслар кам сарфланиши, ахборот ресурсларининг юксак роли, кадрларнинг табiiй қобилиятлари, маълумот даражаси ва малакасининг ҳал қилувчи аҳамияти) расмий ва норасмий бирлашмаларнинг (институтлар, жамиятлар, кенгашлар, уюшмалар, ҳайъатлар, конгресслар, семинарлар ва бошқалар) фаолияти ҳақидаги ахборот ва ахборот каналларига (нашриётлар, нашрлар, журналлар, тўпламлар, маълумотлар базалари ва ҳ.к.) киришнинг таъминланишини назарда тутди. Илмий - техника фаолиятининг энг муҳим ресурси - илмий - техника ахборотидир. Чунки банкдан маълумотлар олиш янги тадқиқотлар ўтказишга қараганда 2-3 марта афзалроқдир.

Ахборот илмий - техник фаолият жараёнида иккиёқлама роль ўйнайди: биринчидан, у ҳар қандай тадқиқот иши учун бошланғич материалдир, иккинчидан, у - илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишининг натижаси. Ишлаб чиқаришда инновацион фаолият ва илмий - техника фаолияти натижаларидан фойдаланиш ахборотнинг узатилиши асосида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда илмий - техника салоҳиятининг ахборот ресурсларини комплекс миқдорий баҳолаш амалга оширилмайди. Ахборотни қайта ишлаш воситалари илмий - техникавий фаолиятни муҳим равишда интенсивлаштиргани учун илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини бажарувчи муассасалар асосий фондларининг актив қисмида ИКТ ускуналари қийматининг усишини ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий - техникавий билимларни сақлаш ва тарқатишда ахборот тизимлари энг муҳим роль ўйнайди. Улар илмий - техникавий ахборотни

Йиғадилар, қайта ишлайдилар ва сақлайдилар, олимлар, мутахассислар ва менежерлар орасида уни тарқатадилар. Фан ва техника ривожланишининг ҳозирги жаҳон даражасида ўн минглаб илмий - тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларининг мавжудлиги ва ахборот айирбошлаш тобора кўпроқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг сифати, муддатини ва ўтказилиши харажатларини белгилаб бермоқда. Бунга фанларнинг бир - бирига кириб бориши ва фанлараро тадқиқот ишланмаларининг амалга оширилиши тезлашуви тенденцияси ҳам таъсир этмоқда. Айнан ахборот олдинги босқичларда олинган натижаларга ва илмий - тадқиқот ҳамда тажрибаларга боғлиқ равишда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига ўз вақтида тузатишлар киритишга имкон беради. Ахборот фаолияти илмий - техникавий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида ажралиб чиқди. У ўзига хос технология ва техник воситаларни қўлловчи ихтисослашган ахборот хизматлари ва тизимлари кўринишида ифодаланган тадқиқотчилар, ишланмаларни бажарувчилар (конструкторлар ва лойиҳаловчилар), инновацион соҳа ходимлари ва ишлаб чиқариш мутахассисларининг ахборот таъминоти даражаси илмий - техника салоҳияти ривожланиши ва ундан самарали фойдаланишга таъсир этади.

Ҳозирги пайтда бозорларнинг жадал глобаллашуви шароитларида инновацион соҳада таҳлилий тадқиқотларни ахборот таъминотининг роли муҳим равишда ортди. Ахборотлаштиришнинг анъанавий йўналишлари билан бир қаторда, масалан, илмий тадқиқотларни олиб боришнинг ахборот таъминоти, ахборотлаштиришнинг қатор долзарб йўналишлари ва уларга мувофиқ келувчи йўналишлари пайдо бўлди. Бу йўналишлар фан ва технологиялар соҳасидаги ҳозирги ва яқин йилларга башорат қилинаётган ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг жадал ривожланишининг асосий омилларидан бири инсонларни, институтларни ва давлатларни ўзаро боғлайдиган тармоқларга айланаётган ахборот асрининг шаклланиши ва бунга боғлиқ равишда инсонлар ва жамият ҳаётидаги ахборот алмашувини кучайишидир.

Ахборот технологиялари АТ маҳсулотлари халқаро савдоси, жаҳон бозорининг тез суръатларда кенгайиши муҳим тенденциясига айланди. АТ бозори жаҳон хўжалигининг анча динамик ва кенг сифимли секторига айланди ва бу мазкур соҳада халқаро рақобатнинг кучайишига ҳамда кўплаб давлатларнинг глобал АТ саноатидаги етакчилиқни таъминлаш учун

коммуникацияни ривожлантиришда илмий изланишни ташкил этишга, АТ маҳсулотлари инновацияси ва тадбиқ этилишига харажатларни кўпайтиришига олиб келди.

Глобаллашув шароитида давлат ва улар иқтисодиёти илмий-техникавий салоҳиятини муҳим таркибий қисмларидан бири бу ахборот ва уни таъминлаб берувчи ахборот технологияларидир.

Тахлилиларимиз асосида, замонавий глобаллашув жараёнларининг талабидан келиб чиқиб, илмий-техникавий салоҳиятнинг таърифига қўшимча янги талқинини, яъни ахборот технологиялари мазкур салоҳиятнинг ажралмас қисми эканлигини таърифлаймиз.

Ахборот технологияларини замонавий илмий-техникавий салоҳиятнинг ажралмас таркибий компонентларидан бири эканлиги деб ҳисоблашимизда, биз аввало уларнинг замонавий ва глобал хусусиятларига ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги алоҳида ўрнига эътибор бердик. Бугунги кунда ахборот технологиялар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Алоҳида компанияларнинг ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, мамлакатнинг ички ва хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги кўп жиҳатдан ахборот инфраструктураси ривожланиши даражасига боғлиқ.

Ахборот технологиялар иқтисодий ва жамият ривожланишининг энг муҳим компонентларидан бирига айланди, у йил сайин алоҳида мамлакатларнинг глобал рақобатбардошлигини кўпроқ даражада белгилаб бермоқда.

Изланишлар натижасида ахборот технологиялар соҳасида илмий техникавий салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини қуйидаги 3 босқичга бўлиш мумкин:

1. Шаклланиш даври – бу давр мустақиллигимизнинг дастлабки йилларни ўз ичига олиб, унда миллий алоқа ва ахборот технология соҳасини шаклланиши, давлат ахборот ресурслари салоҳиятини шакллантириш, миллий ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида қонунчилик базасини дастлабки асосларини яратиш, соҳани техник-технологик жиҳатдан таъминлаш даврларини ўз ичига олади;

2. Ривожланиш даври – бу миллий ахборот технология соҳасининг ривожланишининг дастлабки даври бўлиб, унда республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, халқаро ахборот тармоқлари ва

Интернет хизматларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, телекоммуникация хизматлари бозорини шаклланиши, жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланишни йўлга қўйиш учун шароит яратиш, миллий маълумотлар узатиш тармоғини шакллантириш ва ривожлантириш, мобил алоқа хизматларини кенг тарқалиши ва ривожланиши, иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологияларини кенг қўллаш ва соҳага хорижий инвестицияларни ва замонавий инновацион технологияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш жараёнлари билан характерланади;

3. Глобаллашув даври – бу давр ҳозирги вақтда жамиятни ахборотлаштириш даврини ўз ичига олиб, у иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборотлашувни кенг кириб бориши, ахборот ва уни таъминловчи технологиялар корхоналар рақобатбардошлигини асоси бўлиб қолиши, у глобал ахборот тармоқларининг жаҳон бозорида барқарор ишлашини таъминлаш, Интернет тўри тармоғининг глобаллашуви ва жаҳон, давлатлар иқтисодиётнинг барча тармоқларига ахборот технологиялари тизимининг интеграциялашуви билан характерланади.

ХУЛОСА

XXI асрда глобал ахборот жамиятига ўтиш даврида Ўзбекистоннинг замонавий миллий иқтисодиёти самарадорлигининг асосини, табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг инновацион салоҳияти ташкил этади. Ундан фойдаланиш постиндустриал ахборот жамиятига ўтишга имкониятларни очиб беради.

Ахборот технологиялари имкониятларининг ўсиши Ўзбекистонга ҳам таълуқлидир. Ахборот технологиялар бозорини ривожлантириш бўйича муҳим чора - тадбирлар амалга оширилди, ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникация воситалари импорти тез ўсмоқда. Республикада телекоммуникациялар секторлари жадал суръатларда ривожланмоқда. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларга ҳам чиқувчи каналлар сони бир неча марта ортди, бу биринчи навбатда Ғарб компанияларининг йирик инвестициялари ҳисобига юз берди, телефон каналлари сони тез ортмоқда.

Бугунги кунда республика ахборот технология соҳасини инновация йўналиши бўйича истиқболли ривожлантириш телекоммуникациялар инфратузилмасини самарали шакллантириш, стационар, мобил алоқа ва Интернет тармоғида сифатли хизматларни ташкил этиш, ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатадиган Интернет

провайдерларини сонини кўпайтириш орқали, истеъмолчиларнинг танлаш имкониятини ошириш ва рақобат мухитини шакллантириш, халқаро йўналишлардаги ахборот алмашинуви хажмини (каналлар сонини) ошириш ва валюта тушумини кўпайтириш соҳада илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича миллий сиёсатни амалга ошириш каби вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг илмий-техникавий салоҳияти маҳаллий илмий мактаблар, тармоқларнинг моддий-техника, кадрлар ва ахборот базалари маълумотлари, кампаниялар, илмий-техника муассасалари ва олий ўқув юртларининг статистик ҳисоботлари маълумотларидир.

Илмий адабиётда илмий - техникавий салоҳиятни тавсифлаш учун алоҳида таркибий қисмлари (кадрлар, моддий - техника базаси) тавсифларидан ва молиялаш кўрсаткичларидан жами жорий харажатлар ва салоҳиятининг умумийлаштирувчи баҳоси сифатида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг эскириши турли муддатларини ҳисобга олган ҳолда илмий - тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига жамғарилган харажатлар кўрсаткичи қўлланилади.

Глобаллашув шароитида давлат ва улар иқтисодиёти илмий-техникавий салоҳиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бу ахборот ва уни таъминлаб берувчи ахборот-коммуникация технологияларидир.

Таҳлилиларимиз асосида, замонавий глобаллашув жараёнларининг талабидан келиб чиқиб, илмий-техникавий салоҳиятнинг таърифига қўшимча янгича талқинини, яъни ахборот технологиялари мазкур салоҳиятнинг ажралмас қисми эканлигини таърифлаймиз. Ахборот технологияларини замонавий илмий-техникавий салоҳиятнинг ажралмас таркибий компонентларидан бири эканлиги деб ҳисоблашимизда, биз аввало уларнинг замонавий ва глобал хусусиятларига ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишидаги алоҳида ўрнига эътибор бердик.

REFERENCES

1. А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат и.ф.н.дисс., 2004
2. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2005, 92-101б.

3. Абдираимов И., Муминов Р., Маленова С., Малый инновационный бизнес: факторы устойчивого развития. // Экономический вестник. Узбекистан, 2000, № 4.
4. Махкамова М.А. Новые подходы в развитии инновационной деятельности Узбекистана. Сборник МГУ им. Ломоносова, №3, Москва, 2002
5. Махкамова М.А. Рыночная стратегия инновационной деятельности промышленных предприятий. Вестник ТашГТУ, №1., Ташкент, 2002
6. Афонин И.В. Инновационный менеджмент. – М.: Гардарики, 2005.
7. Абрютин М.С. Экономика предприятия. – М.: «Дело и сервис», 2004.
8. Абулқосимов Х.П., Рахимова Д. ва бошқалар. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2007.
9. Бусыгин А.В. Эффективный менеджмент. – М: Финпресс, 2004.
10. Виханский О.С., Науров А.И. Менеджмент. – М.: Экономика, 2004.
11. Веснин В.Р. Основы менеджмента. – М.: Элит, 2004.
12. Воронина Э.М. Менеджмент предприятия и организации. – М.: МГУ, 2004.
13. Герчикова И.Н. Менеджмент. – М.: Питер, 2007.
14. Герасименко В.В. Основы менеджмента. – М.: ТЕНС, 2004.
15. Джумаев З.А. Муниципальная экономика. – Т.: Евразия, 2003.
16. Дафт Р. Менеджмент. – М.: Питер, 2004
17. Егерев И.А. Стоимость бизнеса: Искусство управления. – М.: Дело, 2003.
18. Евенко Л.И. Организация как система. Теория американского
19. Забелин П.В., Моисеева Н.К. Основы стратегического управления. – М., ИВЦ «Маркетинг», 1997. –195 с.
20. Идрисов А.Б., Картышев С.В., Постников А.В. Стратегическое планирование и анализ эффективности инвестиций. - М., Филинь, 1996.-272 с.
21. Иванов М., Колупаева С., Кочетков Й. США: управление наукой и нововведениями. –М., Наука, 1990. –214 с.
22. Инвестирование в инновационный бизнес: мировая практика – венчурный капитал / Сост. И общ. Ред. Н.М.Фонштейн. –М., Дело, -1996. –172 с.